

Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг навбатдаги 92-сессияси бўлиб ўтди.



---

Сессия ишида Президент Администрацияси ишчи гуруҳ вакили Ибрагимов Мирзохид Исроилович, Фарғона вилояти прокурори Исмоилов Бахтиёр Ахмаджонович, Халқ депутатлари Данғара туман Кенгаши депутатлари, тумандан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари, туман сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, МФЙлар вакиллари иштирок этдилар.

Сессия ишида туманни ишсизлик ва коррупсиядан ҳоли ҳудудга айлантириш ҳамда “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишда сектор раҳбарлари томонидан “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш бўйича 2024 йилнинг I чорагида амалга оширилган ишлари юзасидан туман ҳокими Ш.Тожиҳақимов ҳамда сектор раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Туман секторлари раҳбарларига жорий йил учун белгиланган дастурлар ва берилган топшириқлар ижросини тўла таъминлаш, маҳаллалар инфратузилмасини янгилаш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ишлар кўламини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, секторлар ҳудудларидаги кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш юзасидан аниқ ва қатъий вазифалар юклатилди.

Шунингдек, сессия йиғилишида тумандаги коммунал соҳа (электр таъминоти, газ, ичимлик суви, йўл) ташкилотлари раҳбарларининг ҳам ҳисоботлари эшитилиб, аҳоли муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда улар томонидан йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Сессия йиғилишида электр таъминоти, газ, ичимлик сувини яхшилаш ва тупроқ йўллارни шағаллаштириш юзасидан коммунал соҳа ташкилоти раҳбарларинг жорий йил якунига қадар хар бир маҳалла кесимида амалга ошириладиган ишлари режа-жадваллари муҳокама қилинди.









Туман “маҳалла еттилиги” томонидан ўз хизмат вазифаларининг бажарилиши ҳолати ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан ҳам муҳокамалар ўтказилди.

Шунингдек кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилиб, сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2024-05-17 19:51:42